

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЁЗОВ МУХАМАД БАХРОНОВИЧ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИ WEB ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 –Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contentus of dissertation abstract of doctor of
philosohy (PhD) on pedagogical sciences**

Ниёзов Мухамад Бахронович

Академик лицей ўқувчиларини web технологиялар асосида ўқитиш
методикасини такомиллаштириш

3

Ниязов Мухамад Бахронович

Совершенствование методики обучения учащихся академических
лицеев на основе веб-технологий.....

21

Niyozov Muxamad Bakhronovich

Improvement of teaching methods for students of academic lyceums on
the basis of web technologies.....

41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

45

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАБЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЁЗОВ МУХАМАД БАХРОНОВИЧ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИ WEB ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 –Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1595 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.jspi.uz) ва "Ziynet" ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тоштемиров Дониёр Эшбаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Хайтуллаева Нафиса Сахобиддиновна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ётақчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги (бир марталик) илмий кенгашнинг 2021 йил "23" декабрь соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 4 уй, Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73; факс (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz. Жиззах давлат педагогика институти. Бош ўқув бино, 2-қават, маъруза зали).

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уй, Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73; факс (871) 226-46-56.

Диссертация автореферати 2021 йил "14" 12 да тарқатилди.
(2021 йил "14" 12 даги 8 рақамли реестр баённомаси)



Ф.Н.Жўрақулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., доцент

Н.Х.Кушвақтов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

С.А.Товбоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгашқошидаги илмий семинар раиси, т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар таълим тизимига алоҳида эътибор бериб, ҳамкорликда 2030 йилгача таълим концепциясини қабул қилдилар. Концепцияда “Таълим жараёни ҳар қандай мамлакат тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, манбаи ва стратегиясини белгиловчи фаолият” деб таъкидланган¹. Таълимни жаҳон андозалари даражасида сифатли ташкил этиш учун таълим олувчиларни замонавий талаблар асосида ахборот-таълим ресурслар билан таъминлаш, глобаллашган ахборот-таълим муҳити шароитида бемалол фаолият кўрсата олишга йўналтиришдан иборатдир.

Жаҳон таълим тизимида электрон ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиб, фанларнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, ўқув машғулотида ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш масалалари тадқиқ қилинмоқда. Шунингдек, саноатда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ривожлантириш, бошқарув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, турли соҳалар бўйича бўлажак касб эгаларига инновацион билимлар бериш орқали касбий кўникма ва малакаларни доимий такомиллаштириб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва жаҳон андозалари даражасида фаолият олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш мақсадида “мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”² устувор вазифа сифатида белгиланаётганлиги, билимни эгаллашнинг замонавий методикаларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада

¹Incheon Declaration Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233813?posInSet=3&queryId=N-EXPLORE-a1c7c8fd-2218-4199-96d7-4c7d325025f2>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2829-сонли Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, 2020 йил 3 декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4910-сонли Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «IV. Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда Web технологиялар асосида электрон ахборот-таълим ресурслари яратиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш муҳим масалалардан биридир.

Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитиш сифатини такомиллаштириш, масофали ўқитиш технологияси, электрон таълимнинг истиқболи, ривожланиш босқичлари ва унинг ўқув-методик таъминотини яратиш масалалари бўйича республикада, ҳамдўстлик мамлакатлари ва хорижий олимлар томонидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Жумладан, республикада Web технологиялари асосида таълим жараёнини ташкил қилиш муаммолари бўйича А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Бегимкулов, М.Лутфуллаев, Н.Муслимов, Ф.Закирова, Ж.Ҳамидов, Н.Тайлоқов, М.Мамаражабов, О.Туракулов, Д.Тоштемиров, Д.Маматов, М.Файзиева, Н.Хайтуллаева, С.Алибоев, Н.Гафурова, А.Ҳайитов, Б.Суропов, У.Юлдашев ва бошқа бир қанча олимлар тадқиқотлар олиб бориб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Ҳамдўстлик мамлакатларида А.А.Андреев, К.Е.Архипов, В.Е.Алексеев, Т.Ф.Бардина, А.Н.Горитов, Л.Зайниддинова, Е.Кузнецов, С.Крапивка, О.Лавров, В.Коноваленко, Ю.Р.Кофтан, М.Ниматулаев, М.Лапчик, Е.С.Полат, А.М.Тихинов, Т.Т.Везиров каби олимларнинг тадқиқот ишларида электрон таълим муҳитини шакллантириш, Web технологиялардан таълим жараёнида фойдаланиш муаммолари ўрганилган.

Хорижий олимлардан D.A.Boyarinov, R.England, J.H.Lee, M.Kimko, N.Hammond, A.Jones, J.Campo-Avila, M.Sigala ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети “Амалий математика ва ахборот технологиялари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишларининг режаси бўйича “Таълимда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш назарияси, услубиёти, моделлари, алгоритмлари, дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” номли тадқиқот доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда Web технологияларга асосланган электрон таълим ресурсларини яратиш ва ундан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан Web технологияларга асосланган электрон таълим ресурсларига қўйиладиган асосий психологик-педагогик, дидактик, техник ва методик талабларни аниқлаш;

академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқув жараёнида фойдаланиладиган электрон таълим ресурслари тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш;

web технологияларга асосланган электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва уни академик лицейлар амалиётига жорий этиш методикасини ишлаб чиқиш;

академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини web технологиялари асосида ўқитиш самарадорлигини аниқловчи баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш, илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини web технологияларга асосланган электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети. Академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш бўйича web технологияларга асосланган электрон таълим ресурслари мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. тадқиқот давомида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун: муаммога доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, соҳага доир илмий ва методик адабиётлар, ДТС, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, ташхислаш, сўровнома, тест), тажриба-синов, мониторинг натижаларини математик статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

академик лицейлар учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича Web технологияларга асосланган электрон таълим ресурслари яратишга оид талаблар ва тавсиялар психологик-педагогик, дидактик, техник ва методик жиҳатдан такомиллаштирилган ҳамда ташкилий тузилмаси яратилган;

академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда Web технологияларга асосланган электрон таълим ресурслари тузилмаси, назарий, амалий ва мустақил таълим машғулотларини ўтказиш методикаси “Blended learning (аралаш таълим)”³ технологиясини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

академик лицейларучун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан Web технологиялар асосида масофадан туриб ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таълим олиш имконини берувчи очиқ таълим ресурси (платформа)нинг методик таъминоти такомиллаштирилган ва ишлаб чиқилган;

академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш самарадорлигини аниқловчи мезонлари ва кўрсаткичлари асосида web технологиялари имкониятларидан фойдаланиб баҳолаш тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган электрон таълим ресурси яратилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан маъруза, амалий машғулотларини матнли, видео, анимация, тақдимот слайдлари ёрдамида касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қиладиган методик таъминот ишлаб чиқилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда электрон таълим ресурсини яратиш жараёни таҳлил қилиниб, улардан фойдаланиш учун кўрсатмалар берилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг баҳолаш мезонлари, воситалар сифатида тестлар ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий қилиниб самарадорлик аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги нашр этилган ўқув ва услубий қўлланмалар, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК томонидан асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия қилинган илмий журналларда ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва

³ Blended learning масофавий таълим (Distance learning), синфхонадаги таълим (Face-to-Face learning) ва интернет орқали таълим (Online learning) дан иборат.

тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти. “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ташкил этишга оид ўқув материаллари мазмуни ишлаб чиқилган ва уларнинг таълим олишдаги аҳамияти, унда илгари сурилган ғоялар ва тавсиялар ўқитиш усуллари ҳамда воситаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган электрон таълим ресурси (www.el-talim.uz), методик қўлланмалардан фойдаланиб “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан маъруза, амалий, мустақил таълимни ташкил этиш, академик лицей талабаларини ахборот-коммуникация технологияларини ўрганишга қизиқиши билан бирга ўз касбий фаолиятини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини web технологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Академик лицейларда Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш” номли методик қўлланмаси ва фан бўйича яратилган электрон ўқув-методик материаллар ҳамда электрон ўқитиш курси (масофали ўқитиш платформаси) академик лицейларда кундузги таълим шаклида ўқитиш воситаси сифатида масофадан ўқитиш элементларини жорий этган ҳолда назарий ва амалий билимларни ўқувчиларга етказишда кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги № 89-03-5567 маълумотномаси). Натижада таълим мазмуни такомиллаштирилган ҳамда академик лицей талабаларининг билим ва амалий кўникмалари даражалари ошган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани доирасида ўқув-методик материалларни дидактик ва техник талаблар асосида яратиш, ўқитишни модул тизимига асосланиб ташкил қилиш, ўқитишни ташкилий жиҳатларини йўлга қўйишда LCMS (ўқитишни ва ўқув контентини бошқариш тизимлари)дан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги № 89-03-5567 маълумотномаси). Натижада “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича электрон таълим ресурси яратилган (www.el-talim.uz).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот

ишининг асосий мазмуни ва натижалари 1 та ўқув қўлланма, 1 та методик қўлланма, ОАК томонидан асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия қилинган илмий журналларда 5 та мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журнал) ҳамда 11 та илмий-амалий анжуман материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган ушбу тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **Академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда web технологиялардан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари** деб номланган биринчи бобда республикамиз ва хорижий давлатларнинг педагог-олимлари ва амалиётчилари томонидан илмий асосланган тадқиқотлар таҳлил қилиниб, web технологияларни ташкил этувчилари ва уларнинг таълим жараёнидаги вазибалари аниқланди.

Академик лицейларда фаннинг асосий ўқув-услубий таъминоти Давлат таълим стандартлари, ўқув дастури, дарслик ва бошқа ўқув-услубий адабиётлардан иборат бўлиб, фанни ўқитиш амалий машғулотлар орқали амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда янги ўқитиш методларидан самарали фойдаланиб, ўқувчилар билим савиясини ошириш зарурияти бугунги кунда долзарблигича қолмоқда. Муаммони ҳал этиш йўлларида бири web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларида масофали ўқитишни ташкил қилишда умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимлари яратиш муҳим аҳамиятга эга. Умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимларига web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларида жойлаштирилган ўқув дастурлари, режалар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, семинар, амалий машғулотлари мазмуни, тест тизимлари мажмуасини келтириш мумкин. Шунинг учун web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ўқувчилар

ва педагогларни мутлақо янги ўқув-услугий воситалар билан таъминлашга хизмат қилади.

Web технологияларнинг таълимдаги ўрни кўп қиррали бўлиб, уни қуйидагича таснифлаш мумкин: web технологиялар ахборот, жумладан ўқувчига зарур бўлган ўқув материалларини тез етказиб бериш; ахборот коммуникацион технологияларини қўллаш компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш; шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши; таълим муҳитининг очиклигини, адаптивлигини таъминлаш ҳисобланади. web технологиялар таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, у ўқувчи – талаба шахсига йўналтирилган таълимни танлаш имкониятини беради.


Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари - таълим соҳаси бўйича фаолият юритувчи ва шу соҳада интерфаол хизмат кўрсатувчи, ахборот ресурслари ва таълимга оид саҳифалар, сайтлар ва таълим порталлари билан тўғридан-тўғри боғланадиган интернет ресурсидир. Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари масофавий таълим, синфхонадаги таълим ва интернет орқали ўқитиш амалга ошириладиган таълим муассасалари ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, унинг тузилмалари, ўқув режа ва дастурлар, ўқув материаллари, тестлар ва бошқалар ҳақида веб ресурслар мажмуаси жойлаштирилади. Тадқиқотларимиз мобайнида давлат таълим стандарти талаблари асосида яратилган ўқув дастури мазмунидан келиб чиқиб, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг мазмуни web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларига жойлаштирилган.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид таянч ва фанга оид компетенциялар қуйидагилардан иборат:

- коммуникатив компетенция;
- ахборотлар билан ишлаш компетенция;
- ўзини ўзи ривожлантириш компетенция;
- ижтимоий фаол фукаролик компетенция;
- миллий ва умуммаданий компетенция;
- фанга оид компетенция.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча академик лицейлар замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини ҳисобга олиб, ўқувчилар “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс жараёнида ва дарсдан ташқари вақтларда мустақил таълим олишлари учун таълим тизимида масофали ўқитиш технологияларини жорий этиш мақсадида электрон таълим ресурслари яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Тадқиқот давомида web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари таркибида турли хил курслар, назарий ва амалий мазмундаги материаллар, билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқлар мазмунини ишлаб чиқиш,

унга жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича методик ишланмалар, тавсиялар зарурлиги, шунингдек, бу соҳадаги илмий изланишлар олиб борилаётганлиги, ривожланган мамлакатлар сингари ўқувчиларни web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб, амалиётга масофавий таълим, синфхонадаги таълим ва интернет орқали ўқитишни жорий қилиш билан мустақил билимларини мустаҳкамлашга ҳамда ўқув-услубий ресурсларни яратиш зарурлиги мазкур тадқиқот ишининг вазифаларини белгилади.



1-расм. Электрон таълим ресурсларини яратишга қўйиладиган умумий талаблар

Диссертациннинг иккинчи боби “**Web технологиялар асосида электрон ахборот-таълим ресурслари яратиш ва ундан “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда фойдаланиш методикаси**” деб номланган бўлиб, кузатишлар таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари орқали ўқув жараёнини ташкил қилиш анъанавий ўқитиш услубига нисбатан самарали эканлигини кўрсатмоқда. Бунда ўқувчиларга билим беришда ўқув материалларни турли хил кўринишларда етказиб беришнинг имкониятини алоҳида эътироф этиш керак. Компьютерда овоз, ҳаракат, кўргазмали материаллар интеграцияси ўқув жараёнининг янги ўзига хос имкониятини ҳосил қилади, унинг такомиллашуви ва ривожланиши ўқувчиларни ўқув жараёнида фаол иштирок этишни янада кенгайтиради.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали масофавий таълим, синфхонадаги таълим ва интернет орқали ўқитиш жараёнини ташкил қилишда электрон таълим ресурслари, электрон дарсликлар ва виртуал стендларнинг яратилишига алоҳида эътибор бериш керак. Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ва унда жойлашган электрон ёки мултимедиали электрон дарсликлар асосида

ўқув жараёнини ташкил қилиш, анъанавий ўқитишга нисбатан ўзининг бир қанча афзаллик томонлари борлигини кўрсатади. Уларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ўқитувчига ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришда бирмунча енгиллаштирилиши;

- дарс жараёнида берилаётган ўқув материалларнинг такрорий ҳолда намойиш қилиш имкониятининг мавжудлиги;

- ўқувчилар ўзлаштириш даражасининг юқори бўлишига эришиш;

- мультимедиали электрон дарсликлар таркибида кўргазмали виртуал стендлар ташкил қилиш имконияти;

- амалий машғулотларни видео, аудио ва анимацияли воситалар орқали қизиқарли ташкил қилиш имконияти;

- тавсия қилинган ўқув материалларидан оммавий тарзда фойдаланиш, яъни тармоқ технологиялари ёрдамида бир ёки бир нечта аудиторияда ва гуруҳларда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;

- ўқув материаллари маълумотлар тўпламини тезкор равишда ўзгартириб, янги ахборот заҳираларини киритиш имкониятининг мавжудлиги;

- амалий машғулотлар мобайнида маъруза материалларига ўтиш имкониятининг яратилиши;

- масофавий таълим, синфхонадаги таълим орқали ўқитиш учун асосий воситалардан бири сифатида фойдаланиш имконияти;

- таълим олувчиларнинг индивидуал билимларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқалар.

Бундай имкониятларга эга бўлган ўқув материалларини масофавий таълим, синфхонадаги таълим орқали ўқитишга татбиқ этиш, бир вақтнинг ўзида ўқувчиларга ўқув материалларини кўриш, ўқиш, эшитиш, мулоҳаза қилиш ва қайта-қайта такрорлаб ўз билимларини ошириш имкониятларини яратади. Ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўлланилиши, айниқса мультимедиали воситалардан фойдаланиш ўқув жараёнининг дидактик кўринишда тасвирлаш учун жуда катта имкониятлар яратади.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда ўқув машғулотларида фойдаланиш учун тавсия қилинаётган web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларининг тузилмаси 2-расмда келтирилган.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари дидактик материалларини тайёрлаш ва ундан фойдаланишни йўлга қўйишнинг босқичлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари услубий таъминоти мазмунини ишлаб чиқиш;

- электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар тайёрлаш;

- тажриба-синов майдонларида тажрибадан ўтказиш;
- web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларини расмий рўйхатдан ўтказиш.


Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари дидактик материалларининг услубий таъминоти таркибий қисмига маъруза, амалий, лаборатория ва мустақил таълим машғулоти ишланмаларидан ташкил топади.

Электрон таълим ресурслари ёрдамида фанни ўқитишни ўзига хослигини акс эттирувчи умумлашган модели 3-расмда келтирилган.



2-расм. “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича Web технологияларга асосланган электрон таълим ресурсларининг тузилмаси

Тадқиқот ишимизда web технологиялар асосида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани мисолида яратилган электрон таълим ресурсларидан қуйидаги кетма-кетликда фойдаланиш мумкин: Интернет тармоғига уланган ихтиёрий компьютердан браузер дастури (Internet Explorer, Google Chrome, Opera ёки бошқа дастурлар) ишга туширилади, адреслар қаторига <http://www.el-talim.uz> кўринишдаги буйруқ берилади ва экранда “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларининг бош саҳифаси пайдо бўлади.



3-расм. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини web технологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш модели

Бош ойнади “Бош саҳифа”, “Янгиликлар”, “Тизим ҳақида”, “Боғланиш”, “Электрон таълим”, “Таълим ресурслари”, “Ҳуқуқий ҳужжатлар”, “Таклиф ва мулоҳазалар” каби бўлимларидан ташкил топган.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш бўйича тўпланган тажриба ва методик ёндашувлар таҳлили: ҳар бир мавзу бўйича методик ишланмалар тайёрлаш; ўқитувчи томонидан ҳар бир талабанинг ўқув фаолиятини индивидуал қўллаб – қувватланишини ташкил этиш; яратилган электрон таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини ва мустақил таълимни ташкил этиш ҳамда электрон таълим ресурсларини яратиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш”** деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ва натижалари таҳлили келтирилган.

Тадқиқот иши бўйича педагогик тажриба-синов ишлари тўрт босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқич – ташхис ва башорат қилиш босқичи (2016-2017 йиллар). Тадқиқотнинг биринчи босқичида фаннинг ДТСга мос ўқув дастури, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар мазмуни ўрганиб чиқилди ҳамда улардан фойдаланиш бўйича муаммолар аниқланди. Ўрганилган муаммолар асосида тадқиқот мавзуси таҳлил қилиниб, тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, илмий фарази ва вазифалари аниқланди.

Иккинчи босқич – ташкилий-тайёргарлик босқичи (2017-2018 йиллар). Педагогик тажриба-синов майдони сифатида Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейи, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейларида дастлаб фан бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш ишлари амалга оширилди. Дастлабки билим даражалари аниқланиб, мақсад бўйича кейинги босқичларда фаолият давом эттирилди.

Учинчи босқич – амалий, шакллантирувчи ва назорат қилувчи босқичи (2018-2019 йиллар). Юқорида белгилаб олинган мақсадга кўра фанни ўқитишни Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб ташкил этишга оид ўқув материаллари мазмуни, ўқитиш учун web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари тузилмаси, дидактик материаллари ва улардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилди. Тадқиқот давомида web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ва ундан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Тўртинчи босқич – умумлаштирувчи-якуний босқичи (2019-2020 йиллар). Тадқиқотнинг тўртинчи босқичида тадқиқот давомида web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ва ундан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишлари натижалари ўрганилиб, таҳлил этилди. Бу босқичнинг асосий мақсади ўтказилган тажрибаларнинг сифатини миқдор жиҳатдан таҳлил қилиб, сифат кўрсаткичлари бўйича хулоса чиқаришдан иборат.

Педагогик тажриба-синов ишларида ҳар бир академик лицейдан иккитадан гуруҳ танлаб олинди. Гуруҳларнинг бири тажриба гуруҳи, иккинчиси назорат гуруҳи, деб олинди. Назорат гуруҳларида ўқув жараёни анъанавий ҳолда, тажриба гуруҳларида ҳар бир дарс анъанавий ўқитишдан ташқари, ўқув жараёнига web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларини жорий қилиш орқали амалга оширилди. Тадқиқот давомида яратилган web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ва ундан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилди.


1-жадвал

Академик лицей ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан якуний ўртача баҳо бўйича натижалари


Академик лицейлар номи	Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Баҳолаш даражалари				Ўртача қиймат	Самарадорлик
			5	4	3	2		
Бух МТИ қошидаги академик лицей	Тажриба	35	7	18	10	0	3,91	1,16
	Назорат	36	5	9	18	4	3,38	
ЖДПИ қошидаги академик лицей	Тажриба	33	7	17	9	0	3,94	1,17
	Назорат	34	4	8	18	4	3,36	
ГулДУ қошидаги академик лицей	Тажриба	34	8	17	9	0	3,94	1,18
	Назорат	34	4	10	17	3	3,34	
Жами:	Тажриба	102	22	51	28	1	3,93	1,16
	Назорат	104	12	28	53	11	3,39	

Педагогик тажриба-синов ишларига 3 та академик лицейдан 6 та гуруҳ жалб қилинди. Бунда тажриба гуруҳида 3 та академик лицейдан 102 нафар ўқувчи, назорат гуруҳида 3 та академик лицейдан 104 нафар ўқувчи иштирок этди. Тест синовини саволлари web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларининг “Тест” бўлимида дастурлаштирилган ҳолда жойлаштирилди. Тест тизимининг математик модели, дастурий таъминоти тузилмаси ва тест топшириқларидан намуналар ишлаб чиқилди. Баҳолаш юз баллик рейтинг тизимида олиб борилди ва хулосалар беш баллик тизимда чиқарилди.

Юқоридаги жадвалга асосан, тажриба-синов ишлари олиб борилган академик лицейлар ўқувчиларининг якуний баҳолашга нисбатан ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси 4-расмда тасвирланган.



4-расм. Тажриба-синов ишлари натижаларининг ўртача қиймат натижалари диаграммаси



5-расм. Тажриба-синов ишлари натижаларининг самарадорлик кўрсаткичлари диаграммаси

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишимизнинг асосий натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ўқувчилар учун электрон таълим муҳити кўлами кенгайиб бораётган даврда web технологияларига асосланган таълим олиш воситаларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳозирги куннинг асосий талабларидан бири эканлиги аниқланди.

2. Фанларни ўзлаштиришда самарадорликка эришиш учун ўқувчиларга мустақил ўқув фаолиятларини ривожлантиришни таъминлаш зарурлиги аниқланди. Ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятларини

ривожлантиришда web технологияларининг таркибий қисмларидан бири замонавий ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш етакчи ўрин эгаллаши асослаб берилди. Академик лицейларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш самарадорлигига эришиш учун методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. Академик лицейларда ўқувчилар учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантирувчи ҳамда маълумотлар базаси билан таъминловчи электрон таълим ресурслари яратилди. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан назарий, амалий ва мустақил таълим машғулотларини ўтказиш, машғулотлар учун ишланмалар тайёрлаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан назарий, амалий машғулотларини ташкил этиш ҳамда уларни жорий қилишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг методик тизими ишлаб чиқилди. Ўқитувчилар маъруза машғулотларини ташкил қилишда ўқитиш воситаси сифатида электрон таълим ресурсларида мавжуд маъруза матнлари ва тақдимот материалларидан фойдаланиши, амалий ва лаборатория машғулотлари учун методик ишланмалар, топшириқлар тўпламини ҳам электрон таълим ресурсларининг тегишли базаларидан олишлари мумкин. Шунингдек, электрон таълим ресурсларида ўқувчиларга мустақил таълим олишлари учун мустақил иш топшириқлари ҳам тавсия этилган. Электрон таълим ресурсларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича ўқитувчилар ва ўқувчилар учун керакли ахборот ресурслардан фойдаланишга шароит яратилган.

5. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёни электрон таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда олиб борилганда, ўқувчиларнинг ахборот олиш ҳажми кенгайиб, ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлиши асосланди. Электрон таълим ресурсларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ҳар бир мавзу бўйича бериладиган ахборотлар кўргазмали воситалар ёрдамида баён қилинган бўлиб, мавзуга доир ахборотларни ўзлаштириш даражаси мавзунинг охирида автоматлаштирилган тизим орқали аниқланди.

6. Ўқувчиларнинг дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда мустақил таълим олишида электрон таълим ресурслари асосий манба бўлиши амалда исботланди. Электрон таълим ресурсларида “Информатика ва ахборот

технологиялари” фани бўйича ДТС ва ўқув дастурлари доирасида асосий ва қўшимча материаллар жойлаштирилди. Бунда асосий мақсад мустақил таълим, масофавий таълим, синфхонадаги таълим олишга қаратилди.

7. Таълим тизимида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг ўқув-услубий манбаси сифатида электрон таълим ресурслари асосий ўринда бўлиши кераклиги амалда кўрсатиб берилди. Шунингдек, web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ўқувчиларнинг ўз билимларини ошириш ва ўзини ўзи назорат қилиш масалаларида асосий ўқув манбаси бўлиб хизмат қилиши аниқланди.

8. Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларининг ўқув жараёнида қўлланилиши натижасида ўқувчилар билим даражаларининг ошишига эришилди. Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари асосий ўқитиш воситаси сифатида қаралиб, ишлаб чиқилган методикадан фойдаланиб таълимни ташкил этиш, амалга ошириш, назорат қилиш ва унинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида педагогик тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишларида назорат ишларининг натижалари миқдор ва сифат жиҳатдан ўрганилиб, таҳлил қилинди. Тажриба-синов ишлари натижалари математик статистика методлари ёрдамида қайта ишланганда тажриба гуруҳи ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари назорат гуруҳи ўқувчиларига нисбатан юқори бўлганлиги амалда исботланди.

Мазкур хулосаларга таянган ҳолда академик лицейларда ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги **тавсияларни** бериш мумкин:

- “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича мавжуд дарсликлар ва ўқув қўлланмалар асосида замонавий электрон ўқув-услубий мажмуалар яратиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланишни кенг жорий этиш;

- “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда кундузги ва масофали ўқитиш шаклларида ҳамкорликда яъни Blended learning технологиясидан фойдаланиш,

- дарс жараёнида ва дарсдан ташқари вақтларда узлуксиз мустақил таълимга йўналтирилган электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш;

- таълим тизимида барча фанлардан тавсия қилинган Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларига ўхшаш замонавий ахборот ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий қилиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 ПРИ ДЖИЗАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННО ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НИЯЗОВ МУХАМАД БАХРОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ УЧАЩИХСЯ
АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЕВ НА ОСНОВЕ ВЕБ-ТЕХНОЛОГИЙ**

13.00.06 –Теория и методика электронного образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Джизак - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером № В2020.2.PhD/Ped1595 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Узбекистана.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Гулистанском государственном университете (ГулГУ).

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета при (www.jspi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Тоштемуров Дониёр Эшбаевич
кандидат педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Хамидов Жалил Абдурасулович
доктор педагогических наук, профессор

Хайтуллаева Нафиса Сахобиддиновна
доктор философии педагогических наук (PhD)

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится "23" декабря 2021 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 при Джизакском государственном педагогическом институте (Адрес: 130100, г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, 4-дом. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73; факс: (871) 226-21-73; e-mail: jspi@umail.uz), Главное здание Джизакского педагогического института, 2-этаж, лекционный зал.

Докторская диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Джизакского государственного педагогического института за № 2, с которой можно ознакомиться в ИРЦ. Адрес: 130100, г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, 4-дом. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73; факс: (871) 226-21-73; e-mail: jspi@umail.uz.

Автореферат диссертации разослан "14" "12" 2021 года.
(Протокол рассылки № 8 от "14" "12" 2021 года).



Ф.Н. Джуракулов
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени,
д.п.н., доцент

Н.Х. Кушвактов
Заместитель секретаря научного совета
по присуждению учёной степени,
к.п.н., доцент

С.А. Товбоев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёной степени, к.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Всемирно известные международные организации и развитые страны уделили особое внимание системе образования и совместно приняли концепцию образования до 2030 года. В концепции говорится, что «образовательный процесс - это деятельность, которая определяет главную движущую силу, источник и стратегию развития любой страны»⁴. В целях обеспечения качественной организации образования на уровне мировых стандартов это выражение предоставления получателям образования информационных и образовательных ресурсов на основе современных требований и направления их на свободную работу в условиях глобализированной информационно-образовательной среды.

В мировой системе образования исследуются вопросы совершенствования учебно-методического обеспечения наук, развития профессиональной компетентности получателей образования, эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в обучении с использованием электронных информационно-образовательных ресурсов. Также приоритетной задачей определена автоматизация производственных процессов в промышленности, развитие социальной и экономической сфер с помощью информационно-коммуникационных технологий, внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в процесс управления, постоянное совершенствование профессиональных навыков и умений путем предоставления инновационных знаний будущим специалистам в различных областях.

Особое значение придается развитию образовательной сферы в нашей стране и ее деятельности на уровне мировых стандартов. В целях развития сферы образования и науки в рамках проводимых в нашей стране масштабных реформ большое внимание уделяется тому, что «дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования нашей страны, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров, соответствующих современным потребностям рынка труда»⁵ определено в качестве приоритетной задачи,

Указ Президента Республики Узбекистан УП № 4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП №2829 «О мерах по совершенствованию деятельности средне-специального, профессионального образования» от 14 марта 2017 года, УП №5847 «Об утверждении концепции развития высшего

⁴Incheon Declaration Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233813?posInSet=3&queryId=N-EXPLORE-a1c7c8fd-2218-4199-96d7-4c7d325025f2>

⁵УП-4947 Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник документов законов Республики Узбекистан, 2017 г. №6.

образования Республики Узбекистан до 2030 года” от 8 октября 2019 года, УП №4910 “О системе отбора талантливых молодежи меры совершенствования деятельности академических лицеев” от 3 декабря 2020 года, а также другие нормативные документы, связанные с этой деятельностью, в определенной степени служат выполнению задач, указанных в исследовании данной диссертационной работы

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Настоящая научно-исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан «IV. Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы является одним из важных вопросов в нынешний период стремительного развития информационных технологий, создания электронных информационно-образовательных ресурсов на основе Web технологий и их внедрения в образовательный процесс.

В республике, СНГ и зарубежных странах исследовательские работы были проведены по вопросам внедрения информационно-коммуникационных технологий в систему образования, повышения качества образования, технологий дистанционного обучения, перспектив электронного обучения, этапов развития и создания его учебно-методического обеспечения. В частности, проблемы организации учебного процесса на основе Web-технологий в республике проводились А.Абдукадыров, М.Арипов, У.Бегимкулов, М.Лутфуллаев, Н.Муслимов, Ф.Закирова, Дж.Хамидов, Н.Тайлаков, М.Мамараджабов, А.Туракулов, Д.Тоштемиров, Д.Маматов, М.Файзиева, Н.Хайтуллаева, С.Алибаев, Н.Гафурова, А.Хайитов, Б.Суропов, У.Юлдашев и многими другими учеными проведены исследования и разработаны научно-методические основы.

В странах СНГ исследовательские работы по вопросам формирования электронной образовательной среды, использования web технологий в образовательном процессе проводились А.А.Андреев, К.Е.Архипов, В.Е.Алексеев, Т.Ф.Бардиной, А.Н.Горитов, Л.Зайнидиновой, Е.Кузнецов, С.Крапивка, О.Лавров, В.Коноваленко, Ю.Р.Кофтан, М.Ниматулаев, М.Лапчик, Е.С.Полат, А.М.Тихинов, Т.Т.Везиров.

В зарубежных странах исследовательские работы проводились учеными такими как, D.A.Boyarinov, R.England, J.H.Lee, M.Kimko, N.Hammond, A.Jones, J.Campo-Avila, M.Sigalaи другими.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения. Диссертационная работа выполнена в рамках плана научно-

исследовательских работ прикладных проектов Гулистанского государственного университета кафедры “Прикладная математика и информационные технологии” «Теория, методология, модели, алгоритмы, применение современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий в образовании и внедрение в практику».

Целью исследования настоящей диссертационной работы является совершенствование методологии создания и использования электронных образовательных ресурсов на основе web технологий при преподавании предмета «Информатика и информационные технологии» в академических лицеях.

